

**ЎЗБЕКИСТОН АЭРОПОРТЛАРИ ТАРИХИ  
(ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)  
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-44>  
Тўхтабаев Аъзамжон Шарифхўжаевич,  
Наманган давлат университети  
Архившунослик кафедраси катта ўқитувчиси**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистон авиацияси тарихи мавжуд архив манбалари ва даврий матбуот нашрлари асосида ёритиб берилган. Унда асосий эътибор, Ўзбекистонга авиация транспорт тизимининг кириб келиши, илк авиакатнов йўналишлари ва аэропортларнинг барпо этилиш тарихи Фарғона водийси аэропортлари мисолида таҳлил қилишга қаратилган.

**Калит сўз ва иборалар:** Фарғона водийси, Ўрта Осиё, совет даври, авиация, самолёт, аэропорт, ҳаво йўллари, йўловчилар, почта алоқаси, халқаро алоқалар

**ИСТОРИЯ АЭРОПОРТА УЗБЕКИСТАНА  
(НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)  
Тухтабаев Аъзамжон Шарифходжаевич,  
Наманганский государственный университет  
старший преподаватель кафедры архивоведения**

**АННОТАЦИЯ**


Эта статья освещает историю авиационной истории Узбекистана на основе доступных архивных источников и периодических изданий. Основное внимание уделяется анализу появления авиационной транспортной системы в Узбекистане, первых воздушных маршрутов и истории аэропортов аэропортов в Ферганской долине.

**Ключевые слова и фразы:** Ферганская долина, Центральная Азия, советская эпоха, авиация, самолет, аэропорт, авиакомпания, пассажиры, почтовая служба, международные отношения

**HISTORY OF UZBEKISTAN AIRPORT  
(ON THE EXAMPLE OF FERGANA VALLEY)  
Tuhtabaev Azamzhon Sharifhodzhaevich,  
Namangan State University  
Senior Lecturer of the Department of Archival Studies**

**ANNOTATION**

This article covers the history of aviation history of Uzbekistan, based on available archive sources and periodicals. It focuses on analyzing the arrival of the aviation



transport system in Uzbekistan, the first air routes and the airport's history of airports in the Fergana valley.


**Key words and phrases:** Fergana valley, Central Asia, Soviet era, aviation, airplane, airport, airline, passengers, postal service, international relations

Ҳаво транспортида одам ташиш дунёда йўловчиларни оммавий ташишнинг асосий воситаларидан биридир. Миллий иқтисодиётнинг бир бўлими сифатида у фақатгина транспорт воситасини эмас, балки алоҳида махсус вазифаларни ҳал қилишда иштирок этади. Қишлоқ хўжалигида ўрмон ва бошқа ёнғинларга қарши кураш, геологик ва музликларни ўрганиш, спорт ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилади. Лекин, албатта, авиатранспортнинг асосий мақсади - ҳавода кўпинча йўловчи ва юк ташиш, почта хизматларини амалга оширади. Бу бора авиатранспортларнинг асосий кўниш ва тўхташ жойи аэропорт муҳим аҳамиятга эга. Аэропорт – йўловчилар, юк ва почтани ҳаво транспорти воситаларида мунтазам ташишни таъминловчи бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар мажмуи ҳисобланади. У икки турга халқаро ва маҳаллий аэропортларга бўлинади[5: 7-б]. Аэропорт таркибига аэровокзал, почта бўлимлари, юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш жиҳозлари бўлган омбор, устахоналар, ангар, моддий-техника жиҳозлари, ёнилғи қуйиш воситалари сақланадиган омборлар киради.

Мавжуд техник базани янгилаш, хусусан, йўловчи ва юк терминаллари инфратузилмасини такомиллаштириш миллий авиакомпаниямиз фаолиятининг истиқболли йўналишларидан биридир. Ўзбекистон ҳукуматининг доимий эътибори самарасида мамлакатимиз аэропортларида учиш-қўниш йўлаклари реконструкция қилинди, аэровокзал комплексларининг ташқи кўриниши деярли тўлиқ янгиланди, йўловчи терминаллари сони кўпайтирилиб, хизмат кўрсатиш технологияси яхшиланди. Янги учиш-қўниш йўлаклари ҳар қандай русумдаги самолётларни, терминаллар эса оқими тобора кўпайиб бораётган йўловчиларни қабул қилишга қодир.

Аэропортлар инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 11 аэропорти халқаро мақомга эга бўлди. Жорий йилнинг февраль ойида “Тошкент”, “Бухоро”, “Самарқанд”, “Нукус”, “Қарши”, “Термиз”, “Урганч”, “Навоий”, “Андижон”, “Фарғона” ва “Наманган” аэропортлари бошқа бўлинмалар қатори ISO 9001:2008 халқаро сифат стандарти талабларига мувофиқлик бўйича дастлабки ресертификация аудитидан ўтди[6].

Бугун бутун дунёда авиация хавфсизлиги, авиаташувлар ишончлилиги ва сифатига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу борада йўловчилар талабини қондириш ва авиаташувчилар манфаати ўртасидаги нисбатга халқаро даражада риоя этиш зарур. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ўз фаолиятида парвозлар ва авиация хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Авиакомпания ушбу соҳадаги ютуқлари учун Халқаро авиация хавфсизлиги фонди ва Нотижорат ҳамкорлик ташкилотининг “Парвозлар хавфсизлиги” мукофотига сазовор бўлгани, компаниянинг хавфсизлиги ва ишонччилигини



тасдиқловчи IOSA аудитларидан муваффақиятли ўтгани ҳам шундан далолат беради.

Миллий авиакомпаниямизнинг истиқболдаги режалари бозорнинг барча бўғинларида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Фуқаро авиациясини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ парвозлар ва авиация хавфсизлигини таъминлаш даражасини янада ошириш, барча тузилма ва ишлаб чиқариш комплекслари фаолиятини такомиллаштириш “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси учун устувор вазифалардир.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш, шу жумладан, ҳаво кемалари паркини янгилаш, парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, аэропортлар инфратузилмасини, ҳаво ҳаракатини бошқариш ва малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича изчил чоралар кўрилди.

1991 йилда Республикамиз ҳудудида атиги учта аэропорт фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 11 тани ташкил этади[6]. Республиканинг барча аэропортлари “халқаро” мақомга эга. Улар реконструкция ва модернизация қилинган ҳамда ишончли ва мукамал назорат техникаси билан таъминланган. Замонавий йўловчи терминаллари халқаро стандартларга жавоб берувчи барча қулайлик ва ускуналар билан жиҳозланган. Булар қаторида Фарғона водийсида жойлашган ва фаолият юритаётган Наманган, Андижон ва Фарғона аэропортлари ҳам бугун юртимиздаги исталган аэропорт билан беллаша оладиган, нафақат юқори йўловчи ўтказиш имкониятига, балки ҳар қандай типдаги самолётларни қабул қилиш, кечаю кундуз ва мураккаб об-ҳаво шароитида ишлаш имконига эгадир.

Фарғона аэропорти. Фарғона тайёрасининг биографияси 1938 йилдан бошланган. У вақтда асосан ПО-2 учар, юк, почта, йўловчиларни ташир эди, санитар рейсларини бажарар эди.

1965 йилда аэродром қайта таъмирланганч Ил-18, ички йўлларида эса Ан-24, Як-40 уча бошлаган[3: 48-б].

Ҳозирги авиакомплекс 1988 йилда барпо этилган. 1992 йилда учиш-кўниш йўллари қайта таъмирлангач, биринчи марта Ил-76 юкчи тайёрани қабул қилган.

Бугунги кунда аэропортдан Ўзбекистон шаҳарлари Тошкент ва Бухорога, Россиянинг Москва (Внуково ва Домодедово аэропортларига) ва Санкт-Петербург, Қозон, Краснодар, Новосибирск шаҳарларига мунтазам йўловчи қатновлари бажарилади. Умум эътироф этилган авиация стандартларига мувофиқ йўловчиларга авиаташувлар билан боғлиқ бутун хизмат кўрсатиш комплекси фаолият кўрсатмоқда, жумладан, жойларни бронлаш ва сотиш, қатновга рўйхатдан ўтказиш. Замонавий жиҳозлар ўрнатилганлиги туфайли божхона ва чегара назоратидан ўтиш жараёнлари анча тез амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, аэровокзал биносида валюта алмаштириш шохобчаси, буфет, СІР-зал, VIP-зал, йўловчиларига хизмат кўрсатиладиган алоҳида бино, тиббий шохобча, она ва бола хонаси, авиакасса, йўловчиларга қатновлар ҳақида маълумот

беришнинг электрон тизими жойлашган.

Наманган аэропорти. Наманган аэропорти яратилиши Улуғ Ватан уруши даврида ҳарбий учувчилар мактаби билан боғлиқ. 1941 йилнинг ноябрь ойида курсантлар аэродроми учун ер ажратилди. (Тайёралар олдинроқ келтирилган эди.) 1938 йилда Фарғона – Андижон – Наманган – Қўқон – Фарғона ҳалқаси бўйлаб тайёраларда юк ташиши бўйича ҳаво очиш режаси тузилган[3: 69-б].

Наманган вилояти ҳаво транспортининг ривожланиши 1941 йилда аэродром қуриш билан бошланди. 1945 йилда маҳаллий аэродромида ПО-2 тайёралари мавжуд эди. Учиш-қўниш йўли эса шунчаки шибаланган ердан иборат, кўрғон четида хизмат кўрсатиш иморатлари жойлашган эди.

Фарғона водийси аэропортларидан одам жўнатиш бўйича маълумот[4: 360-в].  
(минг, одам)

*1-жадвал*

№	Аэропорт номи	1980	1985	1990
1	Қўқон	74,9	85	94
2	Фарғона	144,9	158	173
3	Андижон	93,9	133	148
4	Наманган	104,7	119	137

1950 йилдан ЛИ-2 тайёраси Тошкент–Наманган оралиғида катнай бошлади. 1960-йиллари Қўқон бирлашган авиаотрядига қарашли эскадрилья Наманганга кўчирилди. Ва у П. Коваленко раҳбарлигидаги Махсус Наманган авиаэскадрильясига айланди. Наманганга кўчиб ўтишга сабаб қўй-қўзилар экан. Пахта экиладиган туманларнинг чорвалари тоғлиқ яйловларга АН-2 тайёраларида ташилган. Бундай юк ташиш тайёраларини эса Сергели, Нукус, Бухородан келтирилган. Шундай қилиб “Ан-2” самолётлардан иборат махсус қисм ташкил топган экан.

1984 йил замонавий ҳаво лайнерларига хизмат қилувчи учиш ва қўниш майдони ишга туширилди. Шу боис, аэропорт бошқармага қарашли барча типдаги тайёраларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Натижада юк ташиш кўлами, айниқса “мева-чева” рейслари кўпайди. Ўрта Осиё давлатларидаги шаҳарлар, шунингдек, РФнинг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Уфа, Симферополь, Новосибирск, Магадан, Норильск, Якутск, Красноярск, Мирний каби шаҳарлари ва Украина пойтахти Киев шаҳри билан мунтазам алоқа йўлга қўйилди[6].

Андижон аэропорти. Андижон тайёрагоҳида ҳарбий учувчилар учун майдон сифатида бунёд этилган. Кейинчалик Ўзбек-тожик граждани ҳаво флоти бошқармасига қарашли аэропортлар ичида ўттизинчи йилларда ҳам Андижон порти бор эканлиги манбаларда қайд этилган[6].

“Андижон” аэропорти Собиқ Иттифоқ даврида Москва билан тўғридан-тўғри алоқада бўлган. Жумладан, Домодедово аэропортидан 4-5, қўшимча Внуково ва Шереметево аэропортларидан рейслар, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Киев, Симферопол, Сургут, Фрунзе (ҳозирги Бишкек), Абакан, Минводы, Душанбе, Новосибирск, Алмати (қунига учта рейс), Омск, Самара, Нижневартовск, Челябинск, Красноярск, Тошкент (Ту-154 самолётида қунига 2-3 рейс), Магадан, Анадир, Тюмен, Уфа ва бошқа кўплаб шаҳарларга авиақатновлар йўлга қўйилган.

Андижон аэропорти Фарғона водийсида ҳаво транспортининг асосий марказига айланиб, минглаб йўловчилар хизмат қилган. 1960 йилларда Андижонда янги аэровокзал барпо этилган[1: 11-б]. Янги станция яхши жиҳозланган. Залда ресторан ва кутиб туриш хоналари, автоуловларниҳамда сақлаш жойлари ва таъмирлаш устахоналари бунёд этилган.

1982 йилда эса янги авиавокзал комплекси ишга туширилди. Учиш-қўниш йўллари узайтирилди, натижада ТУ–154 авиалайнерлар ҳам учиб-қўнадиган бўлди[3: 71-б].

Ўзбекистон мустақиллик йилларида Андижон аэропортидан Тошкент, Москва, Новосибирск, Омск, Красноярск, Сургут, Санкт-Петербург, Тюмен, Нукус, Термиз ва Қарши шаҳарлари билан тўғридан-тўғри рейслар билан амалга оширилмоқда.

2015 йилда Андижон аэропортига халқаро аэропорт мақоми берилди. Ҳозирда аэропорт биносида йўловчи ва жўнаб кетиш терминали, алоҳида бино - транзит йўловчи зали ва алоҳида бино расмий делегациялар учун хизмат кўрсатиш зали фаолият кўрсатмоқда.

Қўқон аэропорти. Бугунда фаолиятини тўхтатилган, 1957 йилда Ўзбекистон Фуқаролик авиациясига қарашли Қўқон аэропорти иш бошлаган ҳамда Қўқон бирлашган авиаотряди тузилди[2: 1-в]. Командири Зоир Расулов эди. Отрядга 1974 йил Ка-26 вертолётлари келди[3: 61-б].

Қўқонлик учувчилар ўзларининг ПО-2 самолётларида водийнинг уч вилоятига хизмат кўрсатганлар. 1958 йил аэропорт реконструкциясидан сўнг биринчи Ли–2 самолёти қабул қилинди. Тошкент ва вилоятлараро доимий йўловчи ва юк ташиш ишлари йўлга қўйилди. Уч йилдан кейин аэропорт янгидан реконструкция қилинган Ил–12, Ил–14 ни қабул қила бошлади. 1977 йилда янги жойда учиш-қўниш йўлкаси (УҚЙ) ҳам яратилди. Ушбу аэропорт 1999 йилда фаолиятини тўхтатган.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон авиацияси тарихи ХХ аср бошларига бориб тақалади. Ўзбекистонга авиациянинг кириб келиши натижасида мамлакатнинг жаҳоннинг бошқа ҳудудлари билан боғланиш имкониятини яратди. Мустақилликка эришгач, бу соҳада кўплаб ўзгаришларни амалга оширилиши бугунги кунда “Uzbekistan airways“ авиакомпанияси жаҳонда етакчи ўринга чиқиб олди. Ҳудудлардаги аэропортлар ҳам замонавий бошқарув қурилмалар билан жиҳозланганлиги ва дунёнинг етакчи аэропортлари билан алоқани ўрнатганини қайд этиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гражданский авиация. - 1961. - №7. - С. 11.
2. Қўқон шаҳар Давлат архиви. 868-жамғарма. 1-йиғма жилд. 1-варак
3. Ўзбекистон авиацияси 70 ёшда. – Т., 1994.
4. ЎЗР МДА, Р-2172, Ф-2, иш-2812, 360-варак
5. Швец. Ф. П., Шарифбаев И. М. Авиация техникасидан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.